ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 25 01 450230-сон Чорток

Низом асосида фаолият юритувчи Чорток

(номи) (юридик тармоқлар корхонасининг номи)

раҳбари К. Умаров (кейинги ўринларда (раҳбарининг Ф.И.О.)

"Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият

юритувчи Чорток т. Акоми Бодомчигоз кўмоқлашиш маркази

(истеъмолчининг номи)

раҳбари Б. Рузибоев (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),

(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

ҳисоб раками | 4 | 5 | 0 | 2 | 3 | 0 | иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив _____ кВт.с, реактив _____ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 2949750 _____сўмни, тариф(лар) бўйича 450 сўм/кВт.соат.

тариф турлари табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПК-3379 сонли қарорининг руҳсатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (керакли ёзилсин)

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари ва съемларининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат ҳисобидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПК-3379-сон қарорининг руҳсатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув

истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, ичимлик сув [illegible] мослаштириладиган насос станциялари (бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича хисоб- китоблар

ярим тиғиз пайт – сутканинг бру вактида (соат 9^{00} дан 17^{00} гача) – белгиланган тариф бўйича;

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари, ўртачаси энг катта миқдор соат 6^{00} дан 9^{00} гача, кечки энг катта миқдор соат 17^{00} дан 22^{00} гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22^{00} дан 24^{00} гача ва 00^{00} дан 6^{00} гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камайтувчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алохида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг корхонанинг ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алокаси орқали хар ойнинг "_____" санасигача худудий электр тармоклари корхонасига такдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик хажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия хажмлари алохида хам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича хак тўлайди.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) хак тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 5 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Корхонага мурожаат қилганлари такдирда 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида етказиб беришнинга йўл қўйилади. Олдиндан хак тўланмаган хамда 50 фоиз олдиндан хак тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний

хисоб-китоб амалга оширилмаган холлларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармокларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини такдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура такдим этадилади.

Корхона томонидан махсус дастурий махсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини шакллантирилади хамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган холда электрон рақами имзо билан тасдикланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "ЯЗАРО ХИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ХИСОБВАРАК-ФАКТУРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ги карори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофик, электр тармокларининг мансублик баланси бўйича фарклаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергия ининг технологик сарфланиш хажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алохида аникланиб, мутаносиб равишда ўзи олинган электр хажмининг тегишли пайтларига тўлов хакини ёзиш учун қўшиб борилади. *(6-, 7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бриги, истеъмолчилар тўлдиради)*

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда такдим этмаган такдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун хакикатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий хисоб рақамида бу хакида тегишли белги қўйилади.

Корхона истеъмолчининг хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.10. Корхона истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниклаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоклари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алокаси орқали такдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниклаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭҲНАТнинг жорий ойлиги муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича олиб олинади.

Худудий электр тармоклари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш асбобларининг холати хакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик килиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.11. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортик миқдорда энергия истеъмол килганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортик истеъмол килинган энергияси жами хажми учун белгиланган тарифнинг 1.15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи ва Корхона хар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини қуйидаги холларда электр тармокларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги окибатида фойдаланилган энергия учун карздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талаблари бажарилмаганда шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини касддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига ташкаридан аралашиш хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка холатлари аникланганда.

3.14. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, Истеъмолчини конун хужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи томонидан конунбузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш хакининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга кайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.16. Истеъмолчи электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилаётган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Ўзб.Респ. "Фиалавий тадбиркорлик тўгрисида"ги Конунинг 28-моддасига асосан,

Мажбур шартнома шартлари турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истикомат килган одам товарлар ишлаб чикариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган фиалавий корхоналарга хам тадбик этилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги хукукларга эга:

ўз электр курилмаларини Корхона электр тармокларига техник шартларга мувофик улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофик ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўгрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол киладиган электр энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўгрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофик бўлмаган электр энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофик бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблағни кайтарилишини талаб килиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга хам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида хак тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоклари, приборлар, электр курилмаларни зарур техник холатини саклаш, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўгрисида хабар бериш;

электр энергиясидан окилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва "Ўзэнергоинспекция" конуний кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилини хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниклашда энергияни электр тармокларидан узатишда, ишлаб чикариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг)

технологик жараени ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқариш биноларига ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамолатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субисталоқчиларнинг эҳтиежини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, корхонани хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ОҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечиқмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабабларн тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўғрисида етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш.

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбаларини таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади, шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида материал жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетиши а йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарманлиги туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ учиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабрь гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 - йил 12 - январда 22 – сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ: Чортоқ тумани АБКМ

Юридик манзили: Чортоқ шаҳри 3 Дилар МФЙ Истиқлол 3

Хисобраками: 10002280142367109120141001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200107058

Республика ва маҳалли бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобраками: 23402 000 3001 0000 4010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200122919

Бюджетдан ташқари фондларнинг хисобраками:

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200107058

ККС тўловчининг коди

Телефонлар: 69 41 22 207 *Факс:* 69 412 1472

(Истеъмолчининг ер участкаси рўйхатининг рақами, факс телефонлари коди б/н сонлари)

Кадастр№ 16:09:100202008900001

Статистик кодлар:

ОКЭД 84130

СООГУ 07234

СОАТО 1714236501

КФС 213

КОПФ 270

ОКПО 14887649

КОРХОНА:

Почта манзили: Наманган вилояти Чортоқ тумани

Хисобраками: 22636 000 200 51 00583 75

Банк коди (МФО) 00224 (ИНН) 200048685

ККС тўловчининг коди

Телефонлар: *Факс:*

Статистик кодлар:

СОГУ

СОАТО

КФС

КОПФ

ОКПО

Истеъмолчи:

Чортоқ т. АБКМ

Б. Рўзибоев

Корхона:

ХУКУКИЙ ЖИХАТДАН ХУЛОСАСИ

Электр энергиядан фойдаланиш шартномасининг Чортоқ хуқуқий хулосаси: У. Шоирдов

Ўз Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли қарорига талабларига мувофиқ тузилган Томонлар ўртасида мазкур шартноманинг тузилиши Ўзбекистон Республикасининг конунчилик талаблари мажбурий талабларига мос келмоқда. Шартнома мажбуриятларига мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базасининг қонун талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома тарафларининг ўртасидаги низолар қат.қилиш тартиби белгиланган.

Ҳ. хулосаси

(имзоси)

АБКМ. Юристи: Ш. Нишонов

Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

Етказиб берилаётган энергия хажми

1. Тариф гурухи: II
2. Фаолият тури: бюджет
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 10 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват: 10 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича): III
6. Хисоб-китоб тури: бир ставкали

тариф турлари тасдиқланган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-35 "нинг рўйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар (керакли ёзилсин)

	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Йил, жами	6555				
Январ	2222				
Феврал	2222				
Март	2111				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 10 соат, ойга 22 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % 1

Истеъмолчи

Чортоқ т. АБКМ

Б. Рўзибоев

Корхона

М.Ў

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергиянинг хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг) хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар, турлари ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш приборлари тури (актив) (номинал токи)	Хисобга олиш приборлари рақами	Хисобга олиш приборлари клемма копқоғидаги пломбанинг рақами	Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборларининг Шартнома тузилган кунидаги кўрсаткичлари хисобланган кўрсаткичлар	Тариф турлари сум/1 кВт.с
				Ток	Кучланиш			
Ти-0,4кВ.	ПЕ 73 SP	113216024611	01/02	1	1	1	6140	450

Имзолар:

Истеъмолчи: Б. Рузибоев

М.Ў.

Корхона:

М.Ў.

Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томонлар электр тармокларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация килиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изох: Хар бир эл.хисоблагичга алохида 3- ва 4-иловалар тузилади

Хисоблагич№_____ типи_____ кучланиш_____ коэффициент_____ юкланган куввати_____ кВт
Хисобланган уйдан олинган манзил:
шахар,кўр,мфй,кўча уй№

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____
Труба ишлаб чиқ.Шахсий уй,Гараж,Ишлаб чиқ.чиқ.Аҳоли,Ноқ.Савдо,Кафе,Оқсоқол,Установка ва...???

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:
а) хаво линиялари А-35 мм2 ер 5м

б) кабель линиялари АВВГ 4к 16 мм2 ер 2м

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП №_____, _____кВА
ТП- 40 кВа

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармокларнинг баланс бўйича мансублик чегараси Ф. 10 кВ марказ ково трансформатор ёнг ёқин усидаги ОЛНД 10 кВ ни кузатилмас пачоғига уланиш нуқтасидан

3. Улардан қуйидагилари:
а) _____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) Чеградан бошлаб барча электр қурилмаларига

Истеъмолчи билан тузилган *"техник хизмат кўрсатиш"* №_____ *сана*_____ *й. шартномаси* асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.*"Техник хизмат кўрсатиш шартнома тузмаса Т(Ш)ЭТК томонидан хизмат кўрсатилмайди"*

4. Электр қурилмаларнинг холати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: Ф. 10 кВ марказ ково трансформатор ёнг ёқин усидаги ОЛНД 10 кВ ни кузатилмас пачоғига уланиш нуқтасидан

Истеъмолчи: Б. Рузибоев

М.Ў.

Корхона: У. Умаров

М.Ў.

Электр таъминотининг шартномасига
4 - иловa

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аникланади ва кўйидагиларга хисобланади:

а) Қуввати 40 кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт соат ёки _____% реактив энергия йўқолишлари: _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги хар ойлик энергияни йўкотиш:
Узунлиги 2 м;
Кесим юзаси 16 мм²;
Русуми АВВГ;
Кучланиши 04 кВ бўлса, 10 кВт.соатни, ёки 001 % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг хаво линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:
Узунлиги 5 м;
Кесим юзаси 35 мм²;
Русуми А;
Кучланиши 10 кВ бўлса, 10 кВт.соатни, ёки 001 % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг хар хисоб-китоб даври учун хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аникланади.

Корхонанинг электр тармоклари ва уйларнинг ички электр тармокларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоклардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармокларидаги электр энергияси йўкотишлари хисоб-китоб олиш йўли билан аникланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига каратилади

Имзолар:

Ишлаб чиқарувчи: Б. Рўзибоев

Электр таъминотининг шартномасига
5-иловa

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20 22 йил январь ойи бўйича

Кўрсаткичлар кайд этилган сана «___» _____ 20 _____ йил.

Ишлатилган жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсатгичлари		Хисобга олиш прибори кўрсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	боштагич	охирги			Эрталабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун	
								соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
TE 73												
11321003	—	-	-	686	696	310						
4612												
Жами												

Изох. гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4

Истеъмолчи рахбари Б. Рўзибоев
Ф.И.Ш имзоси

МИБ вакили
Ф.И.Ш имзоси

Корхона энергетиги
Ф.И.Ш имзоси

Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вакти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЭОХ автоқирмада ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган тармоқлардаги уланиш вақтларини тўлдириши ва рт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йиллар	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан ва тариф гуруҳлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу даврда учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг ҳар йили бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ўрнатилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўзда тутилган бўлса, тақдим этилади.

Четирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергиянинг амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

Имзо

Имзо

Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

Аварийлик ва технологик бронни аниклаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг_____
_____нитирокида тузилди.

Агона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли кувват танкислиги юзага келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронга тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами:_____кВт

а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроксиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш боскичлари:

I боскич _____ кВт
II боскич _____ кВт
III боскич _____ кВт
IV боскич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб куйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами:_____кВт

** а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкламаси остида қолдирилади.*

б) Ёнғин захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши воситалар авария бронига киради. Авария бронига агрегатлар, эҳтиёжга қараб, олдиндан тайёрланган ҳолда ишга тушириш мумкин.

Имзолар:

Ш. Рузиев

Ш. Б. Рузиев

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
NAMANGAN VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
NAMANGAN TUMANI ADLIYA BO'LIMI